



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

20 21 yil “14” 10

№ 249

Toshkent sh.

**Тошкент тиббиёт академиясининг Хирургия ва трансплантология
кафедрасини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Тошкент тиббиёт академияси (А. Шадманов):

Академиянинг “2-сон факультет ва госпитал хирургия” кафедраси негизида “Хирургия ва трансплантология” кафедрасини ташкил этиш;

Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (С. Исмаилов) билан биргаликда “Хирургия ва трансплантология” кафедрасини Хирургия марказида жойлаштириш;

янги ташкил этилган “Хирургия ва трансплантология” кафедраси мудирини ўрнатилган тартибда тайинлаш;

кафедрани малакали мутахассислар, зарур ўқув-услубий ҳужжатлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

кафедрада бакалаврлар, клиник ординаторлар ва магистрларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш чораларини кўрсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сонли қарори билан Хирургия маркази ушбу кафедрада ўқитилаётган бакалаврлар, клиник ординаторлар ва магистрлар учун асосий клиник база сифатида белгиланганлиги раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир

А. Хаджибаев